



Гулжа кўзғолони ва Шарқий Туркистон Жумҳуриятининг қурилиши



Шу кезларда, яъни 1944 йил сентябрь ойларида Гулжа вилояти Нилки ноҳияси атрофларидаги козок халқининг кўзғолонини босқинчилар “олти ўғри воқеаси” деб номлаган бўлсалар ҳам, буларни халқ яхши билар эди. Улар козок халқининг эрксуюр қаҳрамон йигитлари бўлиб, ичларида уйғурлардан Гани ботир ҳам бор эди.

Хукумат жосусларни кўпайтиб, халқни каттик назорат остига олган, айниқса, козокларни террор қила бошлаган эди. Айни замонда Шарқий Туркистонда, хусусан совет чегара вилоятларида, ўзларини зиёли ватанпарварлар деб атовчи бир дуркун тоифалар, “Бизни совет коммунистлари куткарадур” деб, шуларнинг ногорасига ўйнай бошлаган эдилар. Аммо буларнинг халқ олдида бир пуллик обрў-ишоними йўқ эди. Чунки советда ўлимдан колганлар аранг бу ерга кочиб ўтиб, жон саклаб колганлар ва бутун Гулжа халқи советнинг ваҳшиёна зулмларини ўз бошларидан ўтказганди. У 1930 йилларда Қашқар халқини қонга ботириб, булаб-талаб, охири инқилобга хиёнат қилиб, Шарқий Туркистон халқини хитой босқинчларига боғлаб бериб чиққанди. Шунинг учун коммунистларга у ерда ҳам ишонмас эдилар. Чунки коммунизм табиатида инсонларга яхшилик қилиш йўқлигини шундан билиш мумкинки, булар зўрликка суянган ва ёлгонга асосланган бўладилар. Шунинг билан бирга Худони инкор қилиб, бор ҳақиқатдан юз ўгириб, ҳар турли тухматлар билан халқни қира бошлайдур” лар. Буни “синфий кураш” деб атайдур.

Коммунистларнинг мана шундай қирдикорларининг мудҳиш томонларини отамиз ўзларининг ваъз ва нутқларида ошқора фош қилиб келганлар. Бу ҳолдан ерлик хукумат

манфаатдор эди. Чунки советдан аллакачон юз ўгириб, хар томонлама алокаларини узиб ўзгарган эди. Мана шундай вазиятдан отамиз усталик билан фойдаланганликлари сабабли айтган ваъзлари ерлик хукуматга карши эмас, умуман совет коммунистларига каратилган гоя деган тушунчалар пайдо бўлиб, шунинг натижасида ерлик золимлар отамиз устидан карорга келолмай чалгиб коладур. Мана шундай вазият ёр бўлиб, инкилобий фаолиятларини давом эттириб, Гулжа вилоят халклари ичида ва ташкарасида жуда мустахкам мавкеага эга бўлган холда “Озодлик жамияти”га рахбарлик килиб, 1944 йил 10-ойда Абулхайртўра билан кўришиб, якин келажак режалари бўйича келишиб оладилар. Илгаридан маълум, шахар олишда Туркистон халклари бир бўлиб, бир ўронга бирлашиб олганлар. Яъни, “Динимиз - ислом, ўронимиз - Мухаммад” деб ва шу асосда ахду паймон килиб бирлашганлар.

Хулласи, ерлик хукуматнинг паймонаси тўлиб, халкка килган зулмлари авж олиб, ахolidан от олишда зўра-вонлик кила бошлаганда кўзголон бошланган. Улостой Дулустойлардан тошиб, ватан кўрикчилари Нилкининг хоким ва сокчи идораларини олиб, камокдагиларни озод килиб, анча-мунча яррок-жабдукдарга эга бўлиб, зулмга карши умумий озодлик харакати бошланиб, душманни ларзага солиб, шошириб кўйди. Бу ўринда шуни билмок керакки, бу кўзголон аслида козок халки томонидан бошланган бўлиб, бунинг манбаи Кош, Кунас бўлиб, халки 90 фоиз козок, колгани бошкalar эди. Шунинг учун хукумат Кош, Кунасга борлик харбий кучини ташлаб, кўзголонни чиккан жойида тугатмокчи бўлиб, шахарни мудофаа кўргонига айлантйриб ташлаганда “Озодлик ташкилоти”нинг карори билан 1944 йилкўзголончилар сиртдан ваъда бўйича шахарнинг кун чикиш томони Корадўнгдан ва шимол томони Тўпадўнгдан шахарга ки-ришди. Шу кунн намози бомдод фарзини ўтаётганимизда “Оллоху акбар!” деганда бирга жўр бўлиб, йирокдан биринчи озодликўк овози эшитилди. Юксак имон рухида, истиклол хаяжонида намозни ўкиб, мачит кўрасига чикканимизда жамоат бир-бирига ишонмасдан хар хил сўзлар билан бўлиб, ахволга тўгри бахо беришдан кўрккан холда турган эди, шунда Ахмад хожи деган одам: “Бу “олти ўгри”нинг иши” деб, одамларни хис-туйгуларини бўгмокчи бўлиб айтган сўзига карши дадамлар: “Бу ўгри иши эмас, бу - боскинчи золимларга карши отилган озодлик ўки!” деганларида, тўпланган одамлар ўринларидан каттик уйкуда ётган одам чўчиб уйгонгандай, кўзлари аланг-жаланг бўлиб колишди. Шунда отамиз: “Хар бир мусулмон ахволига караб озодлик учун отлансин!” деб, кўчага йўналган эдик, одамлар оркаларидан колмай юра бошладилар. Мана шунда йирокдан ўк овозлари эшитилиб, одамларни озодликка чорлар эди. Шунинг билан бирга кўчаларда сокчилар пайдо бўлиб, одамларни уйларига таркатиш билан машгул бўлиб колди. Биз шу фурсатдан фойдаланиб, отамиз билан [пирлари] Халфам хазратларининг хонаколарига бориб, Умаржон билан Мухиддин охунларни бошлаб чикдик. “Уйга бориб эхтиёт билан ахволга караб иш киласизлар”, деб мени уйга кай-тариб юбориб, ўзлари йўлдошлари билан тайин килган жойга боргач, Умаржонни бизнинг уйга юбориб, газот учун деб бокиб турган менинг отимни олдириб кетдилар.

Мана шу кундан эътиборан ошкора куролли кўзголон бошланиб,бунингмарказивактинчаянгишахардаМусобоев Исмоил афандининг ховлисига ўрнашган эди. Шу кунн Корадўнгади сокчи идораси ва Тўпадўнгади камокхона кўлгаолинди. У ердаги махбуслар озод килиниб, уларнинг орасида бўлган кўзголончиларнинг оила аъзоларини хам куткариб, канча куролларга эга бўлинди. Ва яна шу кунн Гир бозорига хам келиб, бу ерларни хам озод килишди. Айни замонда душман кучи сиртда колиб, кўзголончилар шахарга осонлик билан кириб олишди. Колган

душман кучлари ўзларини сакламок учун Лангшанг бутхонасига ва бунинг гарби-шимолидаги аэродромга ва ҳам шу ерлар оркали Хайронбог казармасига кириб бикидилар. Биз ўша 7-ноябрь тушдан кейин маҳалла кўшнлардан Хун охун ва яна Шовалилар билан яширин йўллар билан штаб бўлган ерга бораётсак, Бош сокчи идораси жойлашган кўчани кесиб ўтиш керак экан. Шу ерга етганимизда сокчи идорасидан отилган ўкка қарши биз томон ўкчиларнинг ёрдамида у катга ўтиб, штаб бўлган ховлига кириб олдик. Карасак, ховлининг деворларини тешиб, кўча томонга милтикларининг учини чиқариб сергаклик билан куза-тишиб турган эканлар. Шу пайт ичкари уйдан отамиз бошлик Абулхайртўра, Раҳимжонлар чиқишиб, отамиз баландрок жойга чиқиб, тўпланган қуролли-қуролсиз кўпчиликка қараб: “Бугундан бошлаб босқинчи Хитой ҳукуматини танимаймиз!” деб ўтқир нутқ сўзлаб, баланд овоз билан “О лл оху акбар!” деганларида бутун халққўшил иб “Оллоху акбар” нидоси еру-қўқни титратиб юборди. Бу шиор халққа шундай каттик таъсир қилдики, ўтга-сўвга қиришга тайёр эдилар. Чунки халқ “Оллох томонидан бизларга ҳақ қилиб берилган ота-боболаримиздан қолган она-Ватанимизни озод қиламиз”, дерди. Отамиз “Оллоху акбар!” деганда бутун халқ қўшилишиб, бу муқаддас наъра қўққа қўтарилиб, босқинчиларни етган жойларида безгақ тутиб қолганди. Мана шу қуни баланд рух билан тўпланган халқ озодлик аскарлари билан бирга бориб қилинбуни, яъни губернатор идорасини олдик. Таслим бўлган хитой аскарлари қуролсизлантирилди.

Янашуқуни “Озодлик жамияти”нинг навбатданташқари мажлисида отамизни Харбий қомитет раиси, Паленов ва Раҳимжон иккисини муовин қилиб, Қосимжон Қамбарий ташқилий ишлар бўйича муовин раис бўлиб ишга қиришиб тартиб-интизомни йўлга қўйиб юборишди. Жумладан, Нуриддинбекни Марқазий идоранинг хавфсизлигини саклаш бўйича тайин қилиб, майор унвони берилди. Қосимжон Қамбарийни айни пайтда Харбий суд бошлиқи қилиб, подполковник унвони берилди ва шунинг билан бирга ўз вақтида большевиклар билан урушиб, Гулжага қочиб ўтган қазак атаман Дутовдан қолган Паленов қабии аскар бошлиқларидан Александр Романовни харбий штаб бошлиқи қилиб, унга полковник унвони берилди. Унғачалиқ Абдуқарим “Озодлик жамияти” номидан Қўргос қегарасига бориб олган 20 дона германка бешотар милтиқ, 2 дона Бельгияда қикарилган енгил қуролни олиб қелиб, марқазга топширди. Шу қуни Нилқидан қирган халқ озодлик аскарлари отларига ем-хашақ, ўзларига овқат бериш Иброҳим охун, лақабии Тоз ишбилармон деган ойдушлиқ маҳалла оқсоқолига топширилиб, шу одам мазқур ишларни бақарди.

Эртаси соат 10 ларда Қосимжон Қамбарий билан отамиз, мазқур қилинбу ховлисида бир иш устида гаплашиб турганларини қўриб, мен ҳам навбат қутиб бир қетда қараб турган эдим, бирданига олдимга Нуриддинбек қелиб ҳаяжонланган қолда: “Хув анави одамни танийсизми?” деб мендан сўраб қолди. Мен: “Қайси одам?” деб эдим, бир дарахтнинг далдасида туриб отамиз қйлан Қосимжонни қузатиб турган бир қишини қўрсатди. “Йўқ” деб эрдим, дарқол орқасига югуриб бориб, 5-6 аскарларни хар-хар жойга қўйиб, яна мени олдимга қелиб: “Бул одам жосус, шпионга ўхшайди. Чунки Тўра отамлардан ҳеч қўзини узмай, анқадан бери қараб турибдур, уни текшириб қўриш керак” деб бориб, уни иққи аскарнинг ўртасига олиб юриб қолган эди, шул орада Қосимжон Қамбарий қўриб қолиб: “Хой-хой, нада юрибсан неқча қундин бери?” деб эди, “Иққи қундан бери аранг қириб, сени қутиб турсам, “сен бу ерда нима қилиб турибсан” деб мени олиб қетвотганда яхши сен қўриб қолдинг”, деганди Нуриддинбек Қосимжонга қараб, “Тўнимисан?” деди, “Ха, танийман” деб жавоб берди. Шундан қейин Нуриддинбек

оркасига кайтиб кетди. Косимжон Камбарий эса: “Ахмад, сенга вазифа шуки, ошхонага бориб тартиб ўрнатгин, Нилкидан кирган озодлик аскарлари оч колмасун. Бу тўғрида Тўра отамнинг олдида кириб улар ариза килмокдалар, шунинг учун сен шу ишни йўлга сол, монг, югур!” деб кўлини найза килиб, ошхона тарафни кўрсатди. Ахмад шу томонга илдам юриб кетди.

Эртаси Харбий комитет буйруги билан шахарнинг хар бир жойидатурибкаршиликкилаётгандушманнукталариданун заводи, кироатхона, консул богининг оркаси, Хайронбогга ўтадиган Кизил кўприкдаги душман кучларини сиртдан кирган ботирлар билан ичдан мужохидлар бир бўлиб йўк килиб, бир канча курол-ярогларни ганимат килиб олдилар. Шундан рухданган Гани ботир бошлик йигитлар “Оллоху акбар, урра!” деб от солиб, шахар ичида жойлашган Шанган ёмул (хоким идораси), Дўтай ёмул (волий идораси), Сонг (ошлик омборлари) каби ерларни озод килиб кўп ганимат олдилар. Ва яна анча махбусларни озод килиб, бир канча курол-ярогларга эга бўлдилар.

Энди навбат янги шахарда жойлашган Бош сокчи идора деган жаллодхонага келганди. Шундай килиб, 11-ойнинг 10-куни Бош сокчи идорасига шахсан Гани ботирнинг гайрати ва довораклик-журъати билан каттик олишув натижасида, шундоки, душман бор кучи билан каршилик килиб турганда Гани ботир сокчи идорасининг орка девори остидан кириб душманни яксон килиб, дарвозани очиб ташлайдур. Шунинг билан сиртдан кирган катта куч хитой боскинчиларини тор-мор килиб, тирик колган душманларни асир килиб оладурлар Инкилобга карши кучларнинг бошликларидан Лўбинди 7-ноябрь эрталаб сокчи идорасига кочиш олдида ўз уйи эшигининг тубида отиб ташланган. Колган бошлик хитойлар баъзилари ўзларини отганлар. Бир-яримлари хозирча ўтов ичида яшириниб юрганлар. Барибир улар хам кутулмайдурлар. Бу вахший золимлар сокчи идорасининг ичида кудук казиб, мазкур кудук-хожатхоналарга юздан ошик кийнаб ўлдирилган бегунох одамларни ташлаган. Ва яна 300 га якин махбусларнинг ажаллари етмай, уларни бу вахшийликлардан кутказиб колдилар.

Шу куни кечкурун Харбий комитетнинг карорига ибноан Гани ботирга “Шаркий Туркистон халк ботири” деган унвон беришга карор килинди. Ва шунингдек, Фотих, Акбарларга хам шундай “Халк кахрамони” деган унвон берилди. Аммо козок кахрамони Акбар ботир шахарга кириш олдида Улостойдаги жангда жасурларча душманга хужум килиб, унинг бир канча нукталарини яксон килиб, ўзи хам шахид бўладур. Бу ботирнинг ватан йўлида килган жонфидоликларини тарихда авлодларга абадий байрокдор килиб колдириш кераклигини ва бола-чакаларининг таъминотини курилажак хукумат ўз бўйнига олишини билдириб, шу куни карор кабул килинди.

Озодлик учун ошкора кураш шахарда уч кундан бери давом этаётган бўлса-да, хали юрт оксокол-бойларидан дарак йўк. Бу иш “Озодлик жамияти” аъзоларини хар турли мулохазаларга олиб келгани турди. Хар холда булар хам секин-асталик билан бошлаб, хурканчок отга ўхшаб, атрофга аланг-жаланг карашиб кела бошладилар. Булардан дастлабкилари силингбу рўпарасида турувчи Мусабоевлар эдилар. Марказий хукумат курилишидан бир кун илгари Мажид афанди, Исмоил афанди Мусабоевлар келишиб кўриниш бердилар.

Советга кочган коммунизмчилар хам шу тўлкин билан кириб, ўздарини инкилобга йўлбошчи килиб кўрсатишга уриниб кўрдилар. Аммо буларни халк суймасди. Чунки улар Сталиннинг умматлари бўлиб, буларда на диний, на миллий хис-туйгулари бор, максадлари ватанларини хам шуларнинг йўлига курбон килиб, бир мансаб сохиби бўлиб

кол иш эди ва шу йўл билан ўзларининг бузук маишатларига инсонларни қурбон қилиб, ҳукм суриш эди. Бу динсиз, бузук коммунистлар Шаркий Туркистон ҳукуматининг курилишига қарши эдилар, чунки ватанфуруш эдилар. Шунинг учун улардан отамиз қаттиқ ҳазар қилиб, атрофларига йўлатмас эдилар.

Шундай қилиб, ноябрнинг 12 -куни 1944йили эрталаб соат 10 ларда Марказий ҳукумат идорасининг мажлислар залида кўтаринки рух билан “Озодлик жамияти”нинг йигилиши бўлиб, ҳукумат хайъат аъзолари Вактлик ҳукумат раиси ва аъзоларини сайлайдилар. Ҳукумат хайъат аъзолари Муҳаммадҷон маҳдум, Абдурауф маҳдум, Солиҳдсонбой [Бобожон], Раҳимҷон Собир хожи, Жоний (Ганий) Йўлдош, Зуннун Тайиб, Нуриддинбек [Илохун], Қосимҷон Қамбарий, Абдуқарим Аббос, Абулхайртўра, Муҳиддин охун Қанот, Умарҷон [Пирмуҳаммад], Ҳабиб Юнусий, Москалев, Қаримҷон дунган [Ҳаши], Ҳакимбекхўжалар бўлиб, шу куни озод Шаркий Туркистон ислом ҳукумати курилиб, ҳукумат раиси отамиз Алихонтўра Шоқирхонтўра ўғли, муовин раис Ҳакимбекхўжа бўлди. Айни кун тўққиз моддалик Мустақиллик Баёноти қабул қилинди. Шундоқки, Шаркий Туркистон ислом ҳукумати байроғи яшил ранг, кўшимча сарик, ой-юлдуз, “Ло илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ” ёзуви бўлиб, унга яраша қатта-кичиклиги ҳам белгиланган. Ва ҳам турк ҳоконларидан Ўғузхоннинг оқ ранг ўртасида ой бўлган байроғига исломий маъно берилиб, “Ло илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ” ёзилган бўлиб, бу ҳам Баёнотда қабул қилинган. 9 моддалик Баёнотнинг ҳар бир моддаси мустақилликни тўлиқ ва ошқора ифодаловчи, инсон ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилувчи исломга асосланган адолат ҳужжати эди. Шунинг учун озод Шаркий Туркистон ислом ҳукумати қурилган кундан бошлаб мус-тақиллик асослари бўлган Баёнот ислом нури билан бутун Шаркий Туркистонни ёрита бошлади, Буни кўрган сотқин коммунистларнинг юрагига ўт тушиб, ўзларини ҳар томонга уриб кўрди. Аммо уларни ҳалқ бир тайинга олмади. Замон-давр тақозоси билан булар ишонган совет ҳукумати ҳам Шаркий Туркистон ислом ҳукумати томон бўлишга мажбур бўлиб, отамизни зўрақи тарзда қўллаб-қувватлаб турди.

Шу куни пешиндан кейин жонқидо сўфилардан Қосим сўфи отлик бўлиб бутун шаҳарга жар солди. “Бугундан бошлаб Ҳитой босқинчи ҳукуматини танимаймиз. Озод Шаркий Туркистон ислом ҳукумати курилиб, унинг раиси Алихонтўра жаноблари бўлди” деб, бутун шаҳар ҳалқиг билдириб чиқди. Шунинг билан баробар бутун ҳалқ: кўзғалиб, Марказий идора олди кўчалари тўлиб, “Оллоҳ акбар, ура!” садолари бутун осмонни тутди. Мана шу вақтд отамиз ҳозир Марказий идора бўлган илгариги баҳайбаз ҳаммага даҳшат солиб турган собиқ қилинбу (генерал губернатор) ибносининг ҳитойча дарвозаси икки қанотиг зулм қамчи ҳолига қелган икки ваҳший шернинг йўғо тошдан ясаб ўрнатилган ҳайкалининг устига қўпчиликни ёрдами билан чиқдилар ва шу шерлар устида туриб, озод Шаркий Туркистон ислом ҳукумати қурилганини эълон қилдилар. Ва Оллоҳга ҳамду-санодан кейин ўтқир ну сўзлаб, жумладан шундай дедилар:

“Туркистон мамлақатида - Турон элида бутун дунёга машҳур бўлган қўплаб ҳокон, султонлар ўтган. Мана шулардан бири Иброҳим пайгамбар даврига тўғри қелиб, шу замонда давлат қурган Ўғузхон бўлиб, уйғурлар давлатига биринчи асос солган шу зоти шарифдир. Кейин султон Сутук Бугроҳон, сўнгра Алп Арслонхонлар бутун дунёга атоқлари чиққан. Мана шундай қаҳрамонлар -бизнинг авлодимиздир. Шунинг учун Шаркий Туркистон ҳалқи ўз ери, ўз ҳукуматига ҳақли равишда эга бўлишлари, албатта, шарт ва лозимдур! Бу тарихий ҳақиқатга бутун дунё ҳалқлари гувоҳдурлар. Мана шу юқориги даъволарга ҳужжат бўлиб сўзлайдургон олимларимиз ҳам ватанимиз Шаркий

Туркистондан чиккан. “Кутадгу билик” шох асар сохиби Юсуф хос Хожиб ва “Лугатит-турк” муаллифи Махмуд Кашкарий ва ҳам бошка шунга ўхшаш ўчмас, хакли хужжатлар - кўлимиздадир, биз албатта галаба киламиз, Оллоху акбар!” деганларида бутун халкжўр бўлган озодлик овози ер-кўкни титратар эди. Бу даъват зулмга карши бутун халкни бирлаштирган эди. Айниқса, юкориги дадил ҳаракат ва шер устига чикиб айтган ваъзлари бутун халкни озодлик йўлида жонфидо килиб, ҳеч нарсадан кўркмас килиб кўйди. Мана энди оммадан бутунлай ажраган боскинчи Хитой ҳукуматининг Хайронбог, Лангшанг бутхонаси ва аэродромларда мухосирада қолган қучлари халкка нишона бўлиб қолди.

Шунинг билан отамиз ваъздан бўшаб тушишлари билан бир тўп одамлар отамиз томон сурилиб кела бошладилар. Сокчилар йўл бермай, тўсиб турган эдилар.

Отамиз “тўсманглар” деб, уларни қабул килиб, қўл бериб, муборакбод этдилар. Шу орада Талъат Мусобой кўришиб кутлаб, отамизга қараб: “Нима хизмат бўлса, тайёرمىз” деган эди, “Ундай бўлса, мана бу озодлик руҳида турган халкни иккитадан қатор килиб, шу қатта кўча билан юриб Хитой бозор билан айланиб келасизлар” деган эдилар, Талъат “Шиоримиз нима бўлади?” деб сўради.

“Ло илоҳа иллоллох, Мухаммадур Расулulloх!” деб айланасизлар” дедилар. Шунинг билан аскарлар қаби тизилган неча минглаб халк бирданига такбир билан йўлга тушиб, бутун шаҳарга руҳоний жон бердилар. Шунинг билан бирга душманларга қатта кўрқув келиб, уларнинг руҳи тушди.

13-ноябрь шаҳарда Хайронбоққа ҳужум қилинди. Бу ҳужумда бутун шаҳар халқи аскарлар билан бирга ура-такбирлар билан қатнашиб, жонфидоликлар қилдилар. Анча қурбонлар бўлди, аммо кўргон олинмади. Чунки қурол-яроғ етишмас эди. Ҳар қолда бу синов бўлди. Демак олдимиздаги душман замонавий қуролга эга, шунинг учун биз ҳам шундай қуролга эга бўлишимиз керак. Бўлмаса, беҳуда қон тўкилиб, қилган ишлар бекор бўлиши аниқ маълум бўлди. Шу нуқтаи назардан қараб, ўша қуни қечқурун отамиз совет қонсулини қабул қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб, “ҳозирги берилаётган ҳарбий ёрдам ҳар тарафлама етишмайдур. Шунинг билан бирга ҳозирги замон ҳарбий мутахассислари бўлмаса, кўлимиздаги шаклпараст генерал билан иш битмайдур. Чунки булар атаман Дутовдан қолган қечаги одамлар. Йўкса, ҳозир форма-шаклга бош қотирадурган вақт эмаслигини билиши керак эди. Аниқки, бу қишлар билан иш битмайдур. Бизга ҳақиқий ҳозирги замон мутахассислари билан бирга, албатта шунга лойиқ қурол ҳам керак. Бизнинг бу соҳадаги талабимизни ҳал қилинишини бутун халқ сабрсизлик билкутмоқда. Чунки совет ҳукуматининг эзилган маълумлар ёрдам қиламиз, деган шиориға бутун халқ ишонади, деб буни яна таъкидладилар. Бу сўзларни Гулжадаги совет дўхтирхонасининг бошлиғи Ҳаким Жаббор таржима қилиб турар эди. Шу билан суҳбат тугади.

Эртаси 14-ноябрда хитой савдогарларининг бошлиғи Сунгхужанг бошлиқ бир қанча аҳди хитой ўзларининг ногора-думбоқлари билан шодиёна қилдиришиб, Марка-зийдоранинголдиға қелиб тўхтадилар. Сўнгра ўзларининг бошлиқларини вакил қилиб, янги ҳукуматни қутлаш учун ижозат сўрайдилар. Ижозат берилгач, улар қириб, олиб қолган тортик-ҳадяларини қабул қилишларини илтижо қилишди. Шу ўринда Байтулмош бошлиғи қабул қилиб олиб, қўлиға ҳужжат қилиб берди. Буларнинг бошлиғи Сунгхужанг: “Янги ҳукуматнинг хитойларға берган тенг ҳуқуқликни бизлар учун жуда қатта олийжаноб ғамхўрлик деб қиламиз” дея, тўққиз моддалиқ Баёноддан мамнун бўлган қолда, Шаркий Туркистон ислом ҳукумати чин қуракдан қутлаб-табриқлаб,

хамиша хизматларга тайёр эканликларини билдиришиб кайтдилар.

Унинг эртаси 15-ноябрда шаҳарнинг мўътабар бой ва оксоколларидан Жума Охунбой хожи, Абдулла Солмабош хожи, Хасаним Шанхай, Махкамбой ва бошқалар бир канча ёрдам пул иона қилишиб, “Янги қурилган ҳукуматга борлик жон-молимиз билан ёрдам қилиб, бу йўлда ҳар қандай хизмат бўлса бутун халқимиз билан тайёرمىз”, деб онт қилиб, юкори рух билан сўз беришиб чикдилар.

Шунга ўхшаш бир канча одамлар ўз ихтиёрлари билан қелишиб фидойиликка ёзилдилар. Бундан ташқари, фарзандлари томонидан каттик туриб талаб қилин-ганлигидан, ўз болаларини аскарлик сафларига топшириш мақсадида ҳар қуни Марказий идора олдида неча юзлаган жонфидолар турар эди. Мана шу жараёнларни ҳисобга олиб, Марказий идора қошида Ҳарбий шўро очилиб, унга Қосимжон Қамбарий ташаббуси билан мени бошлиқ, Хошир Воҳидни эса менга ёрдамчи қилиб тайинладилар. Шунинг билан бирга шаҳарнинг беш ўрнида бўлимлар ташкил қилиниб, бутун аскар ёшдагиларни ҳисобга олиб, Ҳарбий шўрога топширдилар. Шу йўсин билан иш қўрилиб, аскар олиш фидойиликдан ташқари қонуний йўл билан ҳал бўлди.

Аммо шу кезларда аҳолининг қийим-кечакка бўлган эҳтиёжини таъминлаш анча қийинлаша борди. Айни замонда дехқон қорвадорларнинг етиштирган маҳсулотлари қўлда тўпланиб қолиб, эски хитой ҳукумати пули қўпайиб, баҳо оша бошлади. Шунинг назарда тутиб, давлат банки ўз пулини [Шаркий Туркистон долларини] чиқариб, эски пулга давлат банки томонидан белги урилиб, шунинг билан бирга совет чегара савдосини шу соҳа одамларига очиқ берилди. Ишбилармон одамлар чегара бўйи бозорни халққа топширди. Шу асосда халқ савдоси ривожланиб, ҳар қим ўз ҳаракатига яраша яшай бошлади. Мана шу халқнинг эркинлик билан қилган ҳаракати натижаси ўларок тез қунда бозор ўз ўрнига тушиб, фаровонлик барқарор бўлиб, ҳукумат ҳазинасига пул туша бошлади. Чунки бозор бутунлай халққа топширилиб, савдо-саноатчиларга узоқмуддатли кредитлар бериб, банк анча бойий бошлади. Шунинг билан бирга, айрим қишлоқ хўжалик банки ташкил қилиниб, дехқонларга ҳам қарз беришни йўлга қўйиб юбордилар. Халқ ўз эркида ҳаракат қилиб, ҳамма иш билан банд бўлиб, бу жараён ҳукуматга қўп қуч қўшди. Натижада халқнинг усти бут, қорни тўқ яшай бошлади.

1944 йил декабрнинг 9-қуни қечқурун Нуриддинбек отамизнинг ҳузурларига қириб саломдан кейин “Сиз талаб қилган меҳмон қелди” деб ижозат олиб, ўзи бошлаб қириб, ўрнига қайтди. Қирган одам қўрсатилган ўринга ўтириб, ўзини танита бошлади.

Жумладан, шундай деди: “Биринчидан сизга ўрток Сталиннинг саломини йўллайман. Ва ҳам ўзимни танитишга руҳсат бергайсиз”, деб тўлиқ ўзбекча бўлганда ҳам Андижон лаҳдаси билан жуда қиройлик қилиб, шундай деди: “Мен Владимир Степанович Қозлов бўламан. Мутахассислигим бўйича ҳарбийман. Унвоним - генерал-майор. Илмий жихатдан Ҳарбий академияни аъло даражада тамомлаб, қўшимча Шарқшунослик академиясини ҳам тамомлаганман. Қозир Москвада яшайман. Аёлим, икки фарзандим бор. Ва шунинг билан бирга ўрток Сталиннинг олдида навбатсиз қирадургон олтимиш одамнинг бириман. Шунинг билан бирга, ўзимда бор бўлган имқониятларим билан сиз билан ҳамқорликда ишлашга тайёрман”, деб сўзни тамомлади. Отамиз шунга яраша ташаққур билдирдилар. Шунинг билан суҳбат тугади. Энди бунга ўз лойиғида жой топқунча бирор жойда туришига тўғри қелади, деб Одилбек ақанинг уйига жойлаштирилди. Ўша вақтнинг шароитига шу лойиқ эди.

Энди ҳукумат қурилиб, дастлабки қунлариданок “Озод Шаркий Туркистон” газетаси, шу қаторда рус тилида газеталар қиқа бошлаганди. Ҳар қуни отамизнинг олдида Аҳтам

Алкам Озод Шаркий Туркистон” газетасини ўкиб, эшиттирар эди. Ахмад афанди рус тилида чикадирган газета ва ҳам Харбий штабнинг ишлари билан таништирар эди. Шу тарика таржимонлик килиб турди.

Мана шу кезларда Гулжанинг гарби-шимолида, Лўсигунг Талка довоидаги душман нукталарига сарибулоклик козок йигитлари Мукон, Довудхонлар бошчилигида хужум килиб, шу ўринларни душмандан тозалаб, сўнг йўлнинг хатарсизлигини таъминлади. Айни вақтда Чилпонгза ва атрофи душманлардан озод килинди ваҳам кўп ганиматлар олинди. Шу билан вилоятининг Текас, Кунас, Тўккизторо ноҳиялари тамоман озод килиниб, ганиматлар олинди. Айни замонда Янзихай, Монас дарёси оқида ўтирган козок Калибек ботир шу атрофдаги душманларни йўк килиб, Янзихайни тамоман озод килиб, отамизга келиб кўп ганимат, мол-қуроллар тизимини бериб, жуда катта хизмат кўрсатди. Бунинг буюк хизматларини юкори баҳолаб, “Шаркий Туркистон халк қахрамони” деган унвон берилиб, ўзини шу атрофнинг маркази Совонга ҳоким килиб тайинлайдилар. Шунинг билан Шихў-Жингдаги

душманнинг орқатомонида Ўсмон (Усмон) ботирга суянган зўр куч пайдо бўлган эди. Аммо ул вақтларда Ўсмон ботир билан келишим йўк эди. Шундай бўлса ҳам келишимга замин ҳозир бўлган эди. Чунки отамиз бошчилигида Калибек ботир билан мақсад бирлигини ифодаловчи ислом асосида бирлашдик. Душманга қарши туриб, озод Шаркий Туркистон ислом ҳукумати қуришга қақирганлар. Ва ҳам шу асосда ҳаракат килиб, Ўсмон ботирга таъсир ўтқазишни Калибек ботирга топширганлар. Шунинг билан бирга марказий Урумчи йўли тамоман Калибек ботир назоратига ўтиб, душман қучини қирқиб қўйди.

Шу тарика муҳосирадаги Хайронбоғ, Лангшанг бут-хонаси, аэродромлар фақат ҳаводан ташланган озик-овқат, қурол-яроғлар ҳисобига яшашга мажбур бўлиб, бу соҳада ҳам, ҳаводан ташланган нарсаларнинг қўпини жонқидо асқарларимиз қўлга тушириб, душман самолётлари фаолиятини тўсиб-синдириб, қўпинча самолётлар ярадор бўлиб қочар эди. Шунинг билан бирга, янги қелган ҳарбий маслаҳатчи бутун душман қучлари турган жойларни бошқатдан белгилаб қиқиб, жумладан, Хайронбоғ қалъа-сидаги беқиниш жойларини замбараклар билан ўққа тутиб, асқарларини бузиб юборган бўлсалар ҳам, душман ерости беқиниш жойларига қириб олиб, ҳамон қаршилиқ кўрсатар эди. Шу кезларда Владимир Степанович [Қозлов] қойиб бўлиб қолди. Ўрнида Николай Архипович деган генерал билан бирликда Александр Романов деган бири бор эди. Шу кезларда Исҳоқбеклар Тошқўргон орқали иш қилишиб, Памир тоғларида юрган эди. Аммо уларга ҳеч қим ишонмас эди. Чунки улар совет одами эдилар. Булардан илғари қуйган халқ уларга эргашмади.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон қайғуси" қитобидан